

Бугун – Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинган кун



Мадҳия — миллий ғуруримиз, истиқололимиз ва истиқболимиз тимсоли. Мустақиллик ва бирдамлигимиз рамзи. Уни тинглагандага ҳам, куйлагандага ҳам қалбларимизда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари янада жўш уради, шу юртнинг фарзанди эканимиздан ифтихор туямиз.

Бугун Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинганига 29 йил тўлди. Санасунносабати билан Термиз туман Болалар мусиқа ва санъат мактабида тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда туман Маънавият ва маърифат бўлими раҳбари Ё.Мустанов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинганининг 29 йиллиги билан барчани қутлади.

Тантанали тадбирда туман маданият бўлими ҳамда Болалар мусиқа ва санъат мактабининг санъаткорлари ва иқтидорли ўқувчилари ижросида намойиш этилган концерт дастури барчага байрам кайфиятини улашди.









